

ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ВАРИАТИВ ТЕСТ ВА ТОПШИРИҚЛАРДАН Фойдаланиш

Парпиев О.Т

Наманган муҳандислик-қурилиш институти,
“Муҳандислик коммуникациялари қурилиши
ва монтажи” кафедраси, катта ўқитувчи

Аннотация. Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида ихтисослик фанларига оид турли хил тест ва топшириқлардан фойдаланиш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар. Тест, топшириқ, муқобил энергия манбалари, шамол, геотермал энергия, ихтисослик фанлар.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы использования различных тестов и заданий, относящихся к профильным предметам, с целью формирования знаний и умений студентов вузов.

Ключевые слова. Тест, задание, альтернативные источники энергии, ветер, геотермальная энергетика, предметы специальности.

Annotation. This article discusses the use of various tests and assignments related to specialized subjects in order to develop the knowledge and skills of university students.

Keywords. Test, assignment, alternative energy sources, wind, geothermal energy, specialty subjects.

Талабаларда муқобил энергия манбалари ва уларнинг турлари, замонавий конструкциялари, ишлаш принципи ва тузилишлари ҳамда улардан муҳандислик соҳаларида самарали фойдаланиш имкониятлари тўғрисида кўникмларни шакллантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Вазифалар ўқитувчи томонидан тизимли, аниқ, тушунарли тарзда баён этилиши, ахборотларни етказишнинг нисбатан содда ва қулай йўлларидан фойдаланиш ўринлидир.

Бунда талабаларнинг ўқув дастурларига мувофиқ келадиган методик тавсиялар ва кўрсатмалар, замонавий ахборот ва педагогик технологиялар асосидаги ўқитиш методларидан самарали фойдаланиш имкониятларини топиш, яратиш ва ишлаб чиқиш каби масалалар ўз ечимини топиши мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасаларида муқобил энергия манбалари ҳақида дастлабки тушунчаларини шакллантиришда кўргазмали воситалар, иш ҳолатидаги макетлардан фойдаланиш ҳам дарс самарадорлиги ва талабаларнинг бу соҳаларга (ноанъанавий энергия манбалари ва уларнинг турларига) қизиқишининг янада ортишига олиб келади.

Шунингдек, фанга оид тасаввур ва тушунчаларни шаклантириш ҳамда ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун турли хил мураккабликдаги тет ва топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Чунки, талабаларни ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида фанлар мазмунига мос махсус машқлар, тест ва топшириқлар ишлаб чиқилганки, бу машқ ва топшириқлардан мақсад жараённинг ўзига хос хусусиятлари, унинг мантиғи, касбий фаолиятнинг ўзига хос томонлари, унинг турли жиҳатлари билан таништиришдир. Бу топшириқларнинг бажарилиши касбга оид турли – туман вазиятлар орасидан шу фанга оид ҳодисани ажратиб олишни ўрганишга ёрдам беради. Бу эса бўлажак мутахассисни энг муҳим қобилияти – касбий жиҳатдан вазиятни кўра олишининг шаклланишига олиб келади.

Касбий фаолиятда маълум бир фанга оид барча топшириқлар талабанинг билимини ошириш ва кўникмасини шаклантиришга қаратилган бўлиши лозим. Бироқ бу топшириқларни ўз мазмуни ва ҳал этиш усулларига кўра бир неча гуруҳларга бўлинади [12]:

1. Кенг миқёсдаги топшириқлар – талабалар томонидан муаммоли вазиятларни ҳал қилишда жамоа ва шахс ривожланишининг узоқ ва ўрта истиқболлари билан белгиланадиган вазифалар.

2. Ўрта даражадаги топшириқлар – талаба томонидан мустақил, маълум вақт давомида ҳал этиладиган яқин истиқбол билан боғлиқ вазифалар.

3. Тезкор топшириқлар – касбий фаолиятда тез-тез учраб турадиган ва ҳозиргина юзага келган вазият билан боғлиқ вазифалар.

Бу топшириқнинг муайян шартларини аниқлаш, уларни яна бир ўйлаш, хаёлан ўзини шунга ўхшаш вазиятга қўйиб кўриш, яъни топшириқни ечишга киришиш имконини беради.

Фанлар юзасидан бериладиган топшириқлар сингари талабаларнинг билимларини аниқлаш ва баҳолаш юзасидан турли кўринишдаги тестлардан ҳам фойдаланилади. Тест топшириқлари тестология қонун қоидалари асосида тузилиши, ундан ўқув жараёнида фойдаланиш таълим жараёнидаги муаммоларни объектив баҳолашга имкон беради. Тестларни ишлаб чиқишга оид адабиёт ва манбаларда тестларнинг турли хил таснифлари таклиф қилиниши билан бирга тест топшириқларининг асосий шакллари, тест топшириқларини ишлаб чиқишга қўйиладиган умумий талаблар баён қилинган.

Тузилган тест ёрдамида талабаларнинг ўқув материални ўзлаштириш даражаси синов пайтида текширилади ва уларнинг билим ва кўникмалари қай даражада эканлиги аниқланади. Адабиётларда педагогик тест топшириқларини тузиш услубига қараб ёпиқ тест топшириғи; очиқ тест топшириғи; мувофиқликни таъминлаш топшириғи ва тўғри кетма-кетликни тузиш топшириғи каби шаклларга ажратилганлигини кўриш мумкин [2].

Қуйида “Муқобил энергия манбалари” фанидан тест топшириқларидан намуналар келтириб ўтилган. Масалан:

1. “Муқобил энергия манбалари” тушунчаси моҳиятини ифодалаб беринг?

2. Нефть маҳсулоти муқобил энергия турига кирадими?

1. Ҳа 2. Йўқ.

3. Фанга оид тушунчалар ва уларга берилган таърифларни ўзаро жуфтланг.

№	Таърифи	Тушунчалар номи
1	Қуёш энергиясини иссиқлик энергиясига тўғридан-тўғри айлантириб берувчи элемент	Қуёш батареяси
2	Қайта тикланмайдиган ва қайта тикланадиган энергия манбалари	Гидроэнергетика
3	Сув ресурсларидан фойдаланиб механик энергия олиш билан боғлиқ бўлган соҳа	Пассив совутиш
4	Атроф муҳитнинг табиий совуқлик манбаларидан ва совутиш жараёнларидан фойдаланиш	Бирламчи энергия манбалари
5	Қуёш энергиясини электр энергиясига тўғридан-тўғри ўзгартиришнинг турли физик омилларига асосан ишлаб чиқарилган элемент	Қуёш коллектори

Жавоблар:	1 -	2 -	3 -	4 -	5 -	
-----------	-----	-----	-----	-----	-----	--

3. Фанга оид тушунчалар ва уларга берилган таърифларни ўзаро жуфтланг.

4. Муқобил энергия турига кирувчи энергия турларини белгиланг?

<input type="checkbox"/>	Қуёш
<input type="checkbox"/>	Сув
<input type="checkbox"/>	Биогаз
<input type="checkbox"/>	Шамол
<input type="checkbox"/>	Геотермал
<input type="checkbox"/>	Торф
<input type="checkbox"/>	Сланец
<input type="checkbox"/>	Нефть
<input type="checkbox"/>	Кўмир

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқитувчиларнинг тегишли манбалар асосида фан мавзуларининг асосий моҳиятини очиб берувчи фанга оид топшириқ ва тестларни ишлаб чиқиши ва улардан самарали фойдаланиши талабаларнинг фан бўйича билимларини ошириш ва уларда ихтисосликка оид кўникмаларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуқудусов О., Рашидов Ҳ.Ф. Касб-ҳунар педагогикаси. – Тошкент. ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ, 2009. – 238 б.

2. Аванесов В. С. Теоретические основы разработки заданий в тестовой форме: Пособие для профессорско-преподавательского состава высшей школы. М.: МГТА 1995. – 95 с.

3. Анорқулова Г.М., Парпиев О.Т. Касб-ҳунар таълимида педагогик ўйинлардан фойдаланиш. А.Р. Ходжабоевнинг умумий таҳрири остида. Тошкент: ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ, 2010. 44 б.

4. Акрамов, Х.М., & Парпиев, О.Т. (2014). Педагогические технологии как основа развития познавательной деятельности студентов. Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития, 12(2).

5. Ахмедова Г. И., Парпиев О. Т., Тиллабоев Д. Х. Использование дидактических игр в технологии обучения в начальных классах //Экономика и социум. – 2022. – №. 8 (99). – С. 130-134.

6. Imamnazarov E. D., Parpiyev O. T. Teaching educational technologies in pedagogical activities //Экономика и социум. – 2021. – №. 6-1. – С. 94-96.

7. Коджаспирова Г.М., Петров К.В. Технические средства обучения и методика их использования. – М.:Академия, 2001. – 254 с.

8. Парпиев, О.Т. (2011). Использование педагогических игр как фактор повышения эффективности обучения. Молодой ученый, (12-2), 127-129.

9. Парпиев О. Т. Использование игровых форм при подготовке студентов к педагогической деятельности // Молодой ученый. – 2020. – №. 24. – С. 424-426.
10. Парпиев, О.Т. (2015). Построение учебного процесса в системе повышения квалификации педагогических кадров. Молодой ученый, (21), 822-823.
11. Парпиев, О.Т., & Имамназаров, Э.Д. (2012). Педагогические игры и их возможности в профессиональном обучении. In Проблемы и перспективы развития образования (pp. 149-150).
12. Парпиев О. Т. и др. Использование педагогических задач в процессе подготовки будущих специалистов // Экономика и социум. – 2021. – №. 11-2 (90). – С. 287-290.
13. Parpiyev O. T., Ahmedova G. I. Practical games and their didactic possibilities // Экономика и социум. – 2021. – №. 7. – С. 112-116.
14. Парпиев О.Т., Имамназаров Э.Д. Факторы формирования профессиональной компетенции будущих педагогов профессионального образования. // Экономика и социум.-2022.- №10-2(101).
15. Parpiyev O. T. The usage of pedagogical game as the factor of increasing efficiency in training // The young scientist. – 2011. – Т. 2. – №. 12. – С. 127.
16. Рашидов Х.Ф., Хабиб Х., Елдашева Г., Закиров А. “Касбий педагогика” блокни ўқитиш методикаси. Ўқув-услубий қўлланма. Т. ЎМКХТТКМО ва УҚТИ – 2007. 182 б.
17. Ходжабоев А. Р., Аноркулова Г. М., Парпиев О. Т. Методика использования средств обучения в профессиональном образовании // Методическое пособие.-2011.- 2011. – 2011.
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.1. А-Д/Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев ва бошқалар. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. – 680 б.
19. Парпиев, Т., Қурбонов, К., Турғунов, И. Учебные образовательные технологии в педагогической деятельности // “Экономика и социум” №5 (84)-2021.
20. Парпиев, Т., Қурбонов, К., Султонов, С. Способы достижения образовательной эффективности при совершенствовании педагогических процессов // “Экономика и социум” №9 (88)-2021.
21. Арифжанов А. М., Мухаммадрашитович Қ. К., Парпиев О. Т. Сув иситиш қозон қурилмасининг гидравлик параметрларини ҳисоблаш // Механика и технология. – 2022. – Т. 4. – №. 9. – С. 157-161.
22. Парпиев О. Т. и др. Способы достижения образовательной эффективности при совершенствовании педагогических процессов // Экономика и социум. – 2021. – №. 9 (88). – С. 623-626.
23. Парпиев О. Т., Қурбонов КМ С. С. Установка охлаждения воздуха за счёт частичного испарения // Экономика и социум,(4). – 2022. – Т. 95.

24. Парпиев О. Т., Курбанов К. М., Курбанова З. М. Системы организации педагогических процессов // Экономика и социум. – 2022. – №. 10-2 (101). – С. 513-516.
25. Парпиев О. Т. Построение учебного процесса в системе повышения квалификации педагогических кадров // Молодой ученый. – 2015. – №. 21. – С. 822-823.
26. Парпиев О. Т., Курбанов К. М., Курбанова З. М. Формирование профессиональных качеств студентов путем использования проблемных ситуаций в образовательном процессе // Экономика и социум, (1-2 (104)). – 2023. – С. 435-438.
27. Парпиев О. Т. Использование игровых форм при подготовке студентов к педагогической деятельности // Молодой ученый. – 2020. – №. 24. – С. 424-426.
28. Ахунув Д. Б., Парпиев О. Т. Разработка правил охраны труда при проектировании систем холодного и горячего водоснабжения и канализации жилых зданий // Новости образования: исследование в XXI веке. – 2023. – Т. 1. – №. 11. – С. 226-235.
29. Тўраев А.Б., Парпиев О.Т., Қурбанов К.М., Қурбанова З.М. Таълим тизимида педагогик назоратнинг ўрни // “Техника ва технологиялар ривожининг истиқболлари: муаммолар ва ечимлар” халқаро конференция материаллари. Н. 2023.
30. Парпиев О. Т. Ахатов Д.Н. Организация и проведение практического профессионального образовательного процесса // Экономика и социум. – 2022. – №. 4. – С. 95.
31. Akhatov-teacher, D. N. OT Parpiev-Senior Lecturer, Namangan Engineering and Construction Institute KM Қурбанов-teacher, Namangan Engineering and Construction Institute.
32. Парпиев, О. Т. МОДЕЛИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПЕДАГОГА В НЕПРЕРЫВНОМ ОБРАЗОВАНИИ. *Namangan muhandislik-texnologiya instituti ILMIIY-TEXNIKA JURNALI*.
33. Парпиев, О. Т. [Педагогик ўйин турлари ва уларга қўйиладиган талаблар](#), Касб-хунар таълими, 22-24
34. Akramov, K. M., & Parpiev, O. T. (2014). APPLIED IN EVERYDAY PEDAGOGICAL PRACTICE MODELS, METHODS, TECHNOLOGIES AND ORGANIZATIONAL FORMS OF CONTINUOUS EDUCATION. INTERNATIONAL EXPERIENCE SHARING. In *Lifelong learning: Continuous education for sustainable development: pro-ceedings of the 12th International Conf.: in 2 pts./arr. NA Lobanov; sci. ed. NA Lobanov, VN Skvortsov; Pushkin LSU, Res. Inst. soc.-econ. and ped. probl. of contin. educ.–Vol. 12.–SPb.: Pushkin LSU, 2014.–Pt. II.–330 p.* (p. 12).
35. Parpiyev, O. (2021). СПОСОБЫ ДОСТИЖЕНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ. *Scienceweb academic papers collection*.

36. Parpiyev, O. T., & Ahmedova, G. I. (2021). AMALIY O 'YINLAR VA ULARNING DIDAKTIK IMKONIYATLARI. *Экономика и социум*, (7 (86)), 112-116.
37. Parpiyev, O. (2022). TEACHING EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN PEDAGOGICAL ACTIVITIES. *Ekonomika i sotsium*.
38. Парпиев, О. Т., & Ахатов, Д. Н. (2023). ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ ПЕДАГОГОВ В ПРОЦЕССЕ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ НА ОСНОВЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ. *Экономика и социум*, (1-2 (104)), 439-442.
39. Парпиев, О. Т., & Ахатов, Д. Н. (2023). ОРГАНИЗАЦИЯ И ПРОВЕДЕНИЕ ПРАКТИЧЕСКОГО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА. *Экономика и социум*, (5-2 (108)), 1010-1013.
40. Parpiyev, O. T., & Qurbonov, K. M. (2023). ISSIQLIK BILAN TAMINLASH TIZIMLARIDA ISSIQLIK TASHUVCHILARNING ROLI. *Scientific Impulse*, 1(12), 5-10.
41. ДБ Ахунов, ОТ Парпиев, [СТЕКЛОКРИСТАЛЛИЧЕСКИЕ МАТЕРИАЛЫ НА ОСНОВЕ БАЗАЛЬТОВЫХ ПОРОД](#), Наманган муҳандислик технология институти Илмий техника журнали 5 (3), 214-222